# ИМОМ БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ

*Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва зеҳ қолон бўлмагай.*

*Имом Бухорий*

маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал

2017

4

нимага асосланган? – деган саволга қуйидаги ибора билан жавоб бериш ўринлидир: "Маҳаллий халққа шу жойнинг хат саводини ўргатиш иши Туркистон ўлкасида жуда қадимдаёқ гоят кенг тарқалган. Ўлка босиб олингач, руслар бу ерда жуда кўп мактаблар борлигини кўрдилар, уларда араб алфавитида она тили ўқитилишига ва савод чиқариш мусулмон дини билан уйғунлашиб кетганлигига гувоҳ бўлдилар" [2: 54]. Демак, мадрасалардаги ўқув жараёнининг даражаси ва ўқув дастурлари диний билимларга асосланган эди.

Бу жиҳатлар эса давр маориф тизими тарихини ана шундай мавжуд мураккаб қонуниятлар асосида таҳлил қилиш кераклигини тақозо қилади. Унинг дунёвий тараққиёт талабларига жавоб бера олмайдиган томонларини ҳам эътироф этиш билан бирга, ютуқларини ҳам назардан четда қолдирмаслик кераклигини талаб қилади. Муаммога аниқлик киритиш учун уни чуқурроқ ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, далилларни солиштириш ва умуман олганда тарихий ҳақиқатни бузмасдан намойиш этиш, ватанимизнинг келгуси тараққиётида маданий-маърифий равнақи истиқболини белгилашда катта ўрин тутади.


**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Арандаренко Г. Статистические сведения по нагорным тюменям Зеравшанского округа за 1887 год // Туркестанский сборник. – СПб., 1883.
2. Граменицкий С. Положение инородческого образование в Сирдрьинской области. – Т., 1916.
3. Иванов Д.Л. Русская земля Самарканд // Туркестанский сборник. – СПб., 1873-1875.
4. Из жизни сартов // Туркестанский сборник. – СПб., 1887.
5. Корреспонденция Нового Времени Самарқанд //Туркестанский сборник. – СПб., 1880.
6. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882.
7. Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных медресе Сыр-Дарьинской области в 1890-1891 учебном году – 1916.
8. Павловский Е.Н. Очерки Самаркандской области (с рисунками в тексте) // Туркестанский сборник.
9. Пален К.К. Учебное дело //Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по величайшему повелению сенатории графмостром графом К.К Паленом.
10. Радлов В. Средняя Зеравшанская долина // Туркестанский сборник. – СПб., 1882.
11. Сарты // Туркестанский сборник. – СПб., 1880. – Т.249.
12. Соколов В. Москва – Самарқанд // Туркостанский сборник. – Т., 1907.
13. Туркестанский сборник. – СПб., 1873-1875.


# БУХОРО ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШ ТАРИХИДАН


*Ушбу мақолада Бухоро ўлкашунослик музейининг очилиши ва унинг дастлабки фаолияти ёритилган. Музейнинг очилиш маросими, унда иштирок этганлар ва музейнинг асосчилари ҳақида фикр юритилган.*



***Таянч сўзлар:*** *кўргазма, экспонат, ўлкашунослик, кутубхона, Кўкалдош, нозирлик, генерал-губернатор.*



*The article reveals the opening of the Bukhara country studies museum, its first activities. The opening ceremony of the museum, the participants in it and the founders of the museum are reconsidered.*

***В статье раскрывается открытие Бухарского краеведческого музея, его первая деятельность. Церемония открытия музея, его участников и основателей музея пересматривается.***



**Аъзам БОЛТАЕВ**
*БухДУ катта илмий ходим-изланувчиси*


Бухоро воҳаси ноёб осори-атиқалари ва бебаҳо маданий ёдгорликларининг кўплиги билан дунё сайёҳларининг диққат эътиборини ўзига қаратиб келмоқда. Шунинг учун ҳам Бухорода музейшунослик ва ўлкашунослик соҳалари алоҳида эътиборга бўлган ва шундай бўлиб келмоқда.

Ўлкашуносликда илмийлик билан ажралиб турувчи ва маданий-маърифий муассаса мақомига эга музейнинг ўрни ва аҳамияти каттадир. У моддий маданият ёдгорликларининг асл нусхаларини, жумладан, археология, этнография топонимикага оид материалларни тўплайди, сақлайди ва илмий асосда ўрганади ҳамда экспозиция орқали намойиш этади. Дарҳақиқат, музей – ҳар бир халқ ёки миллатнинг тарихидан авлодларга хабар берувчи маънавий хазина. Мамлакатнинг ўтмиши ҳамда ҳозирини тасаввур қилиш учун улкан бир мактаб ва дарсхонадир. Тилсимли тарих илмининг бир бўлаги бўлмиш музейлар, улардаги осори-атиқалар аждодлар билан авлодларни мустаҳкам боғловчи бир риштадир. Бухоро ҳукумати Маориф нозирининг муовини М. Махзум ҳали 20 йиллардаёқ: "Музахона (музей) бир тарихдур. Музахона бир дарсдан иборатдур. Бир миллатнинг авлоди шуни томоша қилиб боболарнинг аҳволидан дарс ўқур. Бир мамлакатнинг тарихини билмак учун музахонадан ортиқ бир тарих китоби бўлмас" – каби жозибадор фикрларни билдирган эди [5].

Миллатимизнинг жонкуяр фидоийлари бой моддий ва маънавий маданиятимизни асраш, келажак авлодларга етказиш йўлида озмунча куч сарфламадилар. Бухоро Республикаси ҳукумати томонидан дастлабки кунлардан бошлаб, асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган эски китоблар ва асори-атиқаларни тўплаш, уларни мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетишга йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирлар кўрилди ва бир қатор буйруқлар чиқарилди. 1920 йил 17 сентябрдаги Бухоро Нозирлар Шўросининг буйруғида: "Бутун Бухоро мамлакатларидаги эски ҳукумат маъмурларидан қолган эски ва янги китоблар маориф назоратига топшириладур. Шул китобларни кўрмак ёки сотиб олмоқчи бўлғонлар маориф назоратидан ижозат олмоқлари керакдур. Хусусий кишиларда эски китоблари бўлиб сотмоқчи бўлсалар четга чиқармасдан маориф назоратига келтириб, ўз баҳосида оқчасини олсунлар ва шул юқоридаги ёзувларга қарши келганларга жазолар ила ҳукмга бериладур" – дейилган. Ҳукумат ўтмишдан мерос бўлиб қолган мадрасаларга, китоб ва ўқув-ёзув асбобларига, асори-атиқаларга эгалик қилиш, уларни бир жойга тўплаш вазифасини маориф нозирлиги зиммасига юклаб қўйганди. Шунинг учун ўлка маданиятига оид асори-атиқа ва санъат асарларини тўплаш мақсадида маориф нозирлиги қошида "Тарихий асори-атиқа шўъбаси" ташкил қилинди [8: 103-114]. Чунки генерал-губернаторлик даврида кўплаб бебаҳо китоблар, қўлёзмалар, осори-атиқалар айрим коллекционерлар томонидан халқдан йиғиб олиниб, олиб кетилган эди. Бу воқеалардан Бухоро ҳукумати вакил-

# Ушбу сонда:


**Шовосил ЗИЁДОВ, Бахтиёр ТУРАЕВ.** Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг истиқболли вазифалари 2

## АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

**Ҳасан РАСУЛОВ.** Имом Бухорийнинг Пойкандлик устози 5
**Барот АМОНОВ.** Имом Бухорийнинг шоҳ асари – "Ал-жомиъ ас-саҳиҳ"га ёзилган шарҳлар 7
**Нодир КАРИМОВ.** Ҳаким Термизий илмий меросининг хорижда ўрганилиши 9

## ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

**Иброҳим УСМОНОВ.** Қуръондаги масаллар (давоми) 12
**Баҳодир ҲУСАНОВ.** Ислом дини қадриятларида этика ва эстетика масалалари 14
**Дурдона РАСУЛОВА.** XVII-XX аср бошларида Францияда ислом динига оид тадқиқотлар ва диний илмлар ривожи 16

## ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

**Нигора ЮСУПОВА.** Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига жаҳон динларининг кириб келиши 19
**Норхўжа ЧОРИЕВ.** Азизиддин Насафий – шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккири 21
**Дилноза ДУТУРАЕВА.** Денгиз савдо йўлларида дипломатия: салжуқийлар ва Хитой 24
**Азамат КУРАХМЕДОВ.** XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд мадрасаларида таълим-тарбия тизими 27
**Аъзам БОЛТАЕВ.** Бухоро ўлкашунослик музейининг ташкил топиш тарихидан 29
**Мурод ЗИКРУЛЛАЕВ.** "Уламо" жамияти ва 1917 йил Тошкентдаги октябрь тўнтариши 31
**С. АБДИВОҲИДОВ.** Жадидларнинг ижтимоий – сиёсий ва ғоявий қарашларининг мазмун-моҳияти 33
**Фаррух АБДУСАМАДОВ.** Совет ҳокимиятининг хусусий мулкни чеклаш сиёсати ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари 35

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

**Диловар НЕГМАТОВА.** Миллий ва умуминсоний ғоялар – баркамол авлод тарбиясининг муҳим воситаси сифатида 37
**Мўмина РАҲИМОВА.** Абдурауф Фитрат ахлоқий тарбия тўғрисидаги қарашлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари 39

## ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

**Насриддин НАЗАРОВ.** Ҳаракатлар стратегияси тизимида қадриятларнинг тарбиявий моҳияти 41
**Шуҳрат ОТАҚУЛОВ.** Ижтимоий адолат тамойили – демократик тартиботнинг муҳим талаби 43
**Нуриддин ҚОЛҚАНОВ.** Шарқ мутафаккирларининг сиёсий етакчи маънавияти ва имижига оид қарашлари 45
**Янгибой ТУРДИМУРАТОВ.** Этнологияда хўжалик-маданий типларни ўрганишнинг долзарб масалалари 48
**Акрамжон ҒУЛОМОВ, Илҳом ЭРКИНОВ.** Экологик масъулият-экологик маданиятни шакллантирувчи омил сифатида 51
**Мавжуда ТИЛАКОВА.** Ўқувчилар шахсининг интеллектуал ва ижодий креатив потенциалини ривожлантириш зарурати 53
**Иноятхон АРЗИМАТОВА, И. ЭРКИНОВ.** Шахс маънавиятини юксалтиришда миллий қадриятларнинг ўрни 55
**Ҳусан ДЖУРАКУЛОВ.** "Табиат-жамият-инсон" муносабатларини уйғунлаштиришда маънавий қадриятларнинг ўрни 57
**Rustam AMONOV.** Jamiyatning iqtisodiy sohasidagi tavakkalchilik masalalari 59
**Дилшод ҲАЙДАРОВ.** Мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарлари иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари 60

## МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

**Шаҳзод ИСЛАМОВ.** "ИШИД" террорчи ташкилоти тарғиботида болалар мавзусининг ёритилиши 64
**Otabek G'AYBULLAYEV, Jamshid ORIPOV.** Yoshlarni axborot xurujlari va ma'naviy tahdidlardan himoyalashning mafkuraviy jihatlari 66
**Абдумутал ҚАМБАРОВ, Мавлуда НАЖМЕТДИНОВА.** Ёшлар тарбиясида ахборот хавфсизлиги масалалари 68
**Муҳиддин ТУРСУНМУРАТОВ.** Ғоявий манипуляция орқали ёшлар онгига таъсир ўтказиш 69

## ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

**Г. МАҲМУДОВА.** Зардушт тафаккури ва гаталар фалсафаси 73
**Феруза БОЗАРОВА.** Араб-мусулмон олимлари ижодий меросининг Иммануил Кант қарашларига таъсири 75
**Д. РАШИДОВА.** Ижтимоий-фалсафий мерос ва ворисийлик 77
**Илҳомиддин РУСТАМОВ.** Марказий Осиёда янги Афлотунча фалсафа тараққиёти: Ибн Сино фалсафаси 80
**Д. ҚОДИРОВА.** Ижод жараёнининг эстетик ўзига хосликлари 81
**Парда НОРБЎТАЕВ.** Қашқадарё воҳаси бахшилари достонларида акс этган деҳқончилик билан боғлиқ удумларнинг этнографик хусусияти 84
**Хонзода ТОЖИБОЕВА.** Абу Наср Форобий таълимотида инсон жамоаси ва маънавий камолоти масалалари 86
**Ҳусен ТЎХТАЕВ.** Ўзбекистон қишлоқлари ҳақида янгича фалсафий дунёқарашни шакллантириш масалалари 89
**Бобур ҚЎЙЛИЕВ.** Ориентализмнинг мафкуравий ва парадигмал хусусиятлари 91
**Сурайё РАҲМАТИЛЛАЕВА.** Синергетик тафаккур моҳияти 94

## ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР

**Йўлдошхон ИСАЕВ.** Кимки қариндошлари билан алоқани боғласа, Аллоҳ таоло ҳам у билан алоқани боғлайди 96

## ЯНГИ НАШРЛАР

**Назар ҲАКИМОВ.** Синергетика моҳияти ва амалиётда намоён бўлишининг фалсафий талқини 97
**Саидмухтор ОҚИЛОВ.** УЛУҒ АЛЛОМА ИЛМИЙ МЕРОСИГА МУНОСИБ ЭЪТИБОР (Абул Муин Насафий "Табсират ал-адилла" асарининг ўзбек тилидаги таржима нашри ҳақида) 98


ABU ALI IBN SINO NOMIDAGI
BUXORO VILOYATI AXBOROT-
KUTUBXONA MARKAZI
Inv. №
20 __ yil " __ " ______